

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил февраль ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Учкўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Учкўрғон туман Каттачек МФЙ биносиди бўлиб, раислик қилувчи З.Расулов, Н.Хўжахоновнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси А.Абдукодиров, гумон қилинувчи Н..., жабрланувчи О.Нажимов иштирокида, Н...га нисбатан бўлган 1-1609-2501/59-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Н... – 1991 йил 6 февраль куни Учкўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] яшайди, эҳтиёт чораси қўлланилмаган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига нисбатан юритилган жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи Н... 2025 йил 12 февраль куни тахминан соат 21:10 да Учкўрғон тумани, Каттачек маҳалласида яшовчи фуқаро О.Нажимов билан Каттачек маҳалласидаги дала ер майдонида ўзаро гап тортишиб қўли билан О.Нажимовнинг танасининг турли соҳаларига уриб-дўппослашиб, ўртacha оғир тан жароҳати етказишгани аниқланган.

Суд-тиббий экспертизаси Учкўрғон туман бўлимнинг 14.02.2025 йил кунги 86/60-сонли хулосасида О.Нажимовни баданидаги жароҳати калла мия ёпик шикасти, бош мия чайқалиши, бурун суяги ёпик синиши (ренопластика операциясига муҳтож) чап қовоқ лат ейиши ва тери ости қон қуйилиши кўринишида бўлиб, ўтмас қаттиқ жисм таъсирида келиб чиққан бўлиши, муддати қарорда кўрсатилган вақт ва воқеликка тўғри келиши мумкин, оғирлик даражасига кўра 21 кундан кўп узок муддатга соғлиқни бузилишига олиб келган бу белгисига кўра ўртacha оғир тан жароҳатлари гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Жиноятни тергов қилиш давомида гувоҳларни кўрсатувлари ва судга оид тиббий экспертиза хулосасини жиноят ишига алоқадорлиги аниқланганлиги сабабли ёзма далил деб топилган.

Судда гумон қилинувчи Н... ҳамда жабрланувчи О.Нажимов ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

Гумон қилинувчи Н... суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, унга нисбатан жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, у билан ярашганлиги, жабрланувчининг

даволаниши учун кетган харажатларни тўлиқ қоплагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи О.Нажимов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбланувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, даволаниши учун кетган харажатлар тўлиқ қопланганлигини, ҳозирда соғлиги яхшилигини, мазкур жиноят иши бўйича ўрталарида моддий зарар йўқлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, иш бўйича етказилган зарарни тўлиқ бартараф этса, жабрланувчи билан ярашса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, гумон қилинувчи Н... ҳамда жабрланувчи О.Нажимовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, туман прокурори ёрдамчисининг жиноят ишини ярашилганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Н...нинг айбига тўлиқ иқрорлигини ва иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчига ҳеч қандай тазйиқ бўлмаганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга суд, жабрланувчи О.Нажимовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд,

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Н...га нисбатан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи О.Нажимовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибда шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

З.Расулов